# Ўқитувчи рўйхати маълумоларини бошқариш

## Ўқитувчининг меҳнат маълумотларини таҳрирлаш

Ўқитувчилар тўғрисидаги маълумотлар тизимнинг **O’qituvchilar ro’yxati** менюсида жойлашган бўлади. Ўқитувчилар тўғрисидаги маълумотларни кўриш ва тахрирлаш учун **Xodimlar / O’qituvchilar ro’yxati** менюсини танланг. Натижада экранда ОТМ ўқитувчилари рўйхати пайдо бўлади (1-расм). Ушбу меню орқали ўқитувчининг меҳнат маълумотларини тахрирлаш мумкин.




1-расм. Ўқитувчилар рўйхати кўриш

Бирор бир ўқитувчига тегишли маълумотларни кўриш учун ўқитувчилар рўйхатидан ўқитувчининг Фамилия, Исми ва Шарифини танланг. Натижада экранда танланган ўқитувчининг маълумотлари пайдо бўлади (2-расм).




2-расм. Ўқитувчи тўғрисидаги маълумот

Ўқитувчининг лавозими, ишлайдиган кафедраси, мехнат шакли, ставкаси, статус каби маълумотларининг бирортаси ўзгартиринг, масалан ўзгартириш керак бўлган **Lavozim** майдонидан **Dotsent** лавозимни танланг ва **Saqlash** тугмасин босинг (3-расм). Натижада ўқитувчининг лавозими ўзгаради.




3-расм. Ўқитувчини лавозимини ўзгартириш ойнаси

Ўзгарган маълумотни **Xodimlar / O'qituvchilar ro'yxati** менюсини танлаш орқали ҳам кўриш мумкин (4-расм).




4-расм. Ўқитувчининг ўзгарган маълумотини кўриш ойнаси

Худду шу усулда ўқитувчига тегишли бўлган маълумотларни ўзгартириш мумкин.

## Ўқитувчи маълумотларини ўчириш

Ўқитувчи маълумотларини ўчириш учунз 2-расмда ўқитувчи тўғрисидаги маълумот ойнасидан **O'chirish** тугмасини танланг.

***Эслатма!*** Ўқитувчига боғланган маълумотлар шаклланган бўлса у холда тизим ўқитувчини ўчиришга рухсат бермайди. Бундай ҳолларда ўқитувчини ўчириш учун дастлаб унга боғланган маълумотларни ўчириш зарур.